

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1992 йил 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун юртимиз тарихидаги буюк саналардан биридир.

Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, ҳалқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллиги муносабати

билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлиқни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.
2. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонининг қалинлиги – 2,2 миллиметр.

эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Исмаилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонида 1-илова

«ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлиқни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонуни-

мизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси

фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўқиб олиш нотидадан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир, вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика орган-

лари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, шу ишга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони кўракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонида 2-илова

«ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИНГ ТАВСИФИ

«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони

Олд томони



Орқа томони



«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони 0,25 микро қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг қалинлиги – 2,2 миллиметр. Эсдалик нишонининг олд томони марказида оқ эмалдан ишланган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Юлдуз марказида, таралган кўш нурлари фонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли эмалдан ишланган ҳилпираб турган тасвири акс этган. Юлдузнинг тепа қисмида баландлиги 3,5 миллиметр бўлган «25» ёзуви, пастки қисмида эса баландлиги 2,5 миллиметрли «YIL» ёзуви жойлашган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида, саккиз қиррали юлдуз остида мовий рангдаги эмалдан ишланган очилган ҳолатдаги китоб – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тасвири акс эттирилган. Ёзувлар зарҳал рангда.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб оқ эмалли доирада «O'ZBEKISTON KONSTITUTSIYASIGA» сўзлари ёзилган. Пастки қисмида, марказда иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида бир-бирига туташтирилган ҳолатдаги иккита зайтун новдаси тасвирланган. Ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда

бўлиб, ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметрли ташкил этади.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган бўлиб, пастки қисмида, марказда «2017» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Эсдалик нишони шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга илгакчалар ва халқача ёрдамида уланган. Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл, унинг икки четидан эса сарик рангли энсиз чизиклар билан ҳошияланган эни 2,5 миллиметрли иккита оқ рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисмида бўйлаб эни 2,5 миллиметр бўлган мовий рангли йўللار ўтган.

Қадағичнинг бўйи – 16 миллиметр, эни – 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич қўри-нишидаги мослама ўрнатилган.

Худудий секторлар фаолиятдан

Хабарингиз бор – худудларни мутаносиб ривожлантириш, жойларда мутасаддиларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида, мамлакатимизда бошқарувнинг, ижро интизомининг ўзига хос шакли жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори асосида барча туман ва шаҳарларда секторларга бўлинган ҳолда иш олиб борилаётти.

БУГУННИНГ ҚАТЪЙ ТАЛАБИ: ИСЛОҲОТ, ИЖРО, ИНТИЗОМ

Барча жойда бўлгани каби Охангарон туманида ҳам ишлар ҳоким, прокурор, ички ишлар, солиқ идораси раҳбарлари масъулигида, худудий жиҳатдан тўрт секторга бўлинган ҳолда ташкил этилмоқда.

Туман ҳокимлигида 27 август кунини ўтказилган йиғилиш давомида худудларни жадал ривожлантириш бўйича юқорида зикр этилган қарор ижроси юзасидан фаоллар билан маслаҳатлашилди. Ижро аппарати таркиби ва худудлар тақсими ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, эндиликда ҳар бир мутасадди ўзига бириктирилган худудда истиқомат қиладиган аҳоли билан

биргаликда, уларнинг иштирокида ҳар бир масаланинг ичига киради. Туман ҳокими Ўктам Турсунов раҳбарлигидаги секторда 4 минг 643 хўжалик мавжуд. Улардаги аҳоли худудий жиҳатдан «Гулобод», «Шодмалик», «Янги ҳаёт», «Галлақудуқ», «Ойбулоқ», «Нўғойқўрғон» маҳаллаларида истиқомат қиладиган.

Ушбу секторга катта ҳаёт ва амалий иш таърибига эга бўлган 29 нафар аъзо бириктирилган бўлиб, улар томонидан ҳар кунини уйма-уй юрилиб, мавжуд муаммо ва камчиликлар, масалалар атрофлича ўрганилмоқда.

Давоми 3-бетда. ➡

Бандлик

Аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ишга жалб этиш масаласида жойларда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этаётди.

Қибрай туманидаги 1-умумтаълим мактабидан бўлиб ўтган худудий меҳнат ярмаркаси очилишида шулар ҳақида сўз юри-

ҚИБРАЙДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

тилди. Туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда 20 га яқин корхона, муассаса ва ташкилот ўзидagi мавжуд бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбир доирасида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар учун яратилаётган шарт-шароитлар, бизнес режа тузиш, банкдан кредит олиш йўл-ўриқлари ҳамда солиқ имтиёзлари бўйича маълумотлар берилди.

Иштирокчилардан бир гуруҳи ишга жойлашиш имконини берадиган йўлланмага эга бўлди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ТҮЙ ТҮЙГА УЛАНДИ

Паркент тумани аҳоли яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлди. Бу ерда «Бахт уйи» ва нотариал идорасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Тўхфа



Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларни етакчи қўлга айлантириш бўйича мустақам ҳуқуқий асос ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилди.

Қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунлар ернинг ҳақиқий эгаси сифатида фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминлади.

Қўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтказилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Шу билан бирга, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда, кўп тармоқли фермер хўжаликлари янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан:

Биринчидан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажара олмади;

Иккинчидан, аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самардорлиги паст даражада қолмоқда. Узоқ йиллар фойдаланилмаётган томорқа ер эгаларининг ерга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш бўйича тизимли иш олиб борилаётти;

Учинчидан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакил-

лик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмаган;

Тўртинчидан, фермер хўжаликларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётти;

Бешинчидан, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфраструктуралар яратилмаган ҳамда соҳада бозор механизмлари етарли даражада шаклланимаган;

Олтинчидан, аксарият фермер хўжаликларининг бугунги молиявий аҳволи замонавий, ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги техника воситаларини харид қилиш, ишлаб чиқаришда илғор агротехнология, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бермапти;

Еттинчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари азозлари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермапти.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самардорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида:

1. Қуйидагилар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самардорлигини оширишнинг ҳозирги босқичдаги устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Биринчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

Давоми 2-бетда. ➡

Танлов

O'zLiDeP Бекобод шаҳар кенгаши томонидан қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида тарих фанига қизиқувчи ёшлар ўртасида «Тарих билимдони – 2017» қўриқ-танлови ўтказилди.

ТАРИХ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Уни ташкил этишда тарих фани ўқитувчиси, партия фаоли Адҳам Ниёзов ташаббус қўрсатди.

Танловда ёшлар 4 та шарт бўйича ўзларининг тарих фанидан олган билимлари, кўникмалари, ҳозиржавоблик қобилиятлари бўйича беллашди.

Феруза Ҳакимжонова, Умида Абдусаломова, Шоҳиста Шодмонова юқори ўринларни банд этишди. Уларга танлов ташкилотчилари томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилором ТУРСУНОВА, шаҳар кенгаши ходими.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ҲЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

иккинчидан, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, бу борада парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизimini яратиш;

учинчидан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича вазибаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

тўртинчидан, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш;

бешинчидан, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, "Томорқа – қўшимча даромад манбаи!" ширини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш;

еттинчидан, ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермер ҳўжаликларининг меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши конференциясининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари сифатида қайта тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2018 йил ҳосилидан бошлаб шундай тартиб

◀ Бошлангич 1-бетда.

жорий этилсинки, унга кўра:

фермер ҳўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар чоракда Халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилади;

ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ ҳўжалиги экинларини тўлиқ эмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси ва Сенатига:

хулудларда, биринчи навбатда, қишлоқ ҳўжалиги шароитлари оғир бўлган туманларда, экин экиш аҳволини ҳар ойда Олий Мажлис Қонунийлик палатаси депутатлари томонидан ўрганиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида амалий чоралар кўриш; қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг Халқ депутатлари туман Кенгашларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиниши аҳволини доимий равишда сенаторлар томонидан ўрганиш ҳамда ҳар чоракда Олий Мажлис Сенатининг мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар барча деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда уларнинг ягона реестрини шакллантирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда шакллантирилган ягона реестрнинг назорат ҳолатида юрити-

лишини, ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминласин.

6. Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2018-2021 йилларда фермер ҳўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер ҳўжаликларига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер ҳўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (З. Мирзаев, Ж. Қўқоров) ҳар йили фермер ҳўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер ҳўжаликларига айлантириш бўйича фермер ҳўжаликлари кесимида ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқишини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашларида тасдиқлашни таъминласин, шунингдек, ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов, З. Мирзаев):

икки ой муддатда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер ҳўжаликларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари лойиҳаларини киритсин;

уч ой муддатда қишлоқ ҳўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини оширишда, айниқса, пахта йигимтеримини механизациялаштиришда бозор инфратузилмаларини, инновацияларни, фан ютуқлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда 2018-2020 йилларда республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

8. Деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшган ва ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларига тақдим этиладиган "Илғор фермер", "Меҳнаткаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" кўрак нишонлари таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда "Илғор фермер", "Меҳнаткаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" кўрак нишонлари тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сон "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири З. Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 9 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини туздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига шарҳ

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида ўрин тутди.

Шу сабабли ўтган давр мобайнида фермерлик ҳаракати, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш каби йўналишларда бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Натижада фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектларга айланди.

Ўтказилган ислохотлар туфайли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Айни вақтда амалга оширилган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга ўз ечимини қўтиб турган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам тўппаниб қолган.

Бундан беш йил олдин ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш юзасидан ўз зиммасига юклатилган вазибаларни етарли даражада бажара олмади.

Аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Айрим ер эгалари ушбу майдонлардан узоқ йиллар фойдаланмай, қаровсиз ҳолда қолдирган бўлсада, уларнинг ерга нисбатан муносабатини ўзгартириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмаётир.

Фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмаган.

Фермер ҳўжаликларининг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда, соҳада бозор механизмларини шакллантиришда ҳам муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини туздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шундай муаммоларни ҳал қилиш ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазибаларни ижро этиш мақсадида қабул қилинди.

Фармонда фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

биринчидан, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

Хусусан, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш борасидаги масъулиятини ошириш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Ер кодекси, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади;

иккинчидан, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, бу борада парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизимини яратиш.

Ушбу йўналишда мутасадди ташкилотлар аниқ мақсадга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни амалга оширади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда Олий Мажлис палаталари томонидан ерлардан самарали фойдаланиш устидан доимий назорат ва мониторинг олиб борилади;

учинчидан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш таъминлаш бўйича вазибаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш.

Фармонда белгиланган вазибаларнинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига, тегишли вазирлик ва идораларга қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизминини яратиш бўйича аниқ топшириқлар берилди;

тўртинчидан, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш.

Мазкур йўналишда кўп тармоқли фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган, фермер ҳўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер ҳўжаликларига айлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади;

бешинчидан, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш,

таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш.

Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ерларини сугориш учун доимий равишда етарли миқдорлардаги сув билан таъминлаш, агрофирмалар, тайёрлов ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилинади;

олтинчидан, "Томорқа – қўшимча даромад манбаи!" ширини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш.

Хусусан, оммавий ахборот воситаларида туркум телекўрсатувлар, радио эшитиришлар ва босма матбуотда чиқишлар, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга қаратилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ташкил этилади. Жойларда эса кенг тушунтириш ишлари олиб борилади;

еттинчидан, ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермер ҳўжаликларининг меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш.

Фермер, деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг мақомини ошириш ва қайта тайёрлаш юзасидан бир қатор амалий чоралар кўрилади, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган таълим муассасалари қошида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида ўзини ўзи бошқариш ва назорат қилишни самарали тизимини яратиш мақсадида шу йилнинг 22 сентябрь кунин конференция қарори билан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида, жойлардаги фермерлар кенгашлари фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари сифатида қайта тузилди. Шу муносабат билан Фармонда мазкур Кенгашнинг қайта тузилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Айтиш лозимки, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини туздан такомиллаштириш учун вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ўрнатиш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам Фармонга биноан, фермер ҳўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар чоракда халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб бориш тартиби жорий этилди.

Айни вақтда, ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ ҳўжалиги экинларини тўлиқ эмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилиши белгилаб қўйилди.

Янги тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида мазкур ҳужжатда парламент назоратини ўрнатишнинг самарали механизмлари белгиланди, яъни Олий Мажлис палаталари вакиллари соҳада амалга оширилаётган ишлар аҳволини доимий равишда ўрганиш ҳамда тегишли амалий чораларни кўради.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар барча деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг ягона реестрини шакллантириш топширилди.

Мазкур вазибаларнинг сифатли ва тўлиқ баҳарлилигини ташкил этиш мақсадида Давлат кадастри давлат қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда шакллантирилган ягона реестрнинг назорат ҳолатида юритилишини, ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фармонда фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2018-2021 йилларда фермер ҳўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер ҳўжаликларига айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилди ҳамда 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер ҳўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши белгилаб қўйилди.

Ушбу ислохотнинг босқичма-босқич, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили фермер ҳўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер ҳўжаликларига айлантириш бўйича фермер ҳўжаликлари кесимида ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашларида тасдиқлашни таъминлаш, шунингдек, ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига киритиш топширилди.

Фармон билан Вазирлар Маҳкамасига

чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер ҳўжаликларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва киритиш топширилди.

Қайд этиш жоизки, фермер ҳўжаликларида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермайди, уларнинг фаолиятида янги агротехнологиялардан фойдаланишда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Шу муносабат билан, ҳукумат томонидан қишлоқ ҳўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини оширишда, айниқса, пахта йигимтеримини механизациялаштиришда бозор инфратузилмаларини, инновацияларни, фан ютуқлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда 2018-2020 йилларда республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшган ва ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари тақдирланадиган "Илғор фермер", "Меҳнаткаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" кўрак нишонлари таъсис этилди. Ушбу кўрак нишонларининг таъсис этилиши қишлоқ аҳолисининг меҳнатини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда назарда тутилган ислохотларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш, унда белгиланган вазифа ва устувор йўналишларни ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига бир ҳафта муддатда фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритиш топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини туздан такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва реализация қилишни қўлайтиришга хизмат қилади ва ушбу йўналишдаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш учун кенг йўл очиб беради.

ТЎҚСОНБОСТИ УСУЛИ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Оққўрғон туманидаги "Элёр Солижон ўғли" фермер хўжалиги даласида август пиёзи ва саримсоқнинг ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот экинлари экишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинар

Вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари раҳбар ҳамда масъул ходимлари, Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти тадқиқотчилари, фермерлар иштирок этган мазкур тадбирда такрорий экин экиш сир-асорлари, самарадорлиги, давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани

ҳақида сўз юритилди. Таъкидланганидек, ердан самарали фойдаланишни ташкил этишда Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари, хусусан, жорий йил 21

августда имзоланган "2018 йил ҳосили учун август пиёзи ва саримсоқнинг ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш, экиш учун талаб этилаётган моддий-техника ресурсларини ўз мuddатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур ҳужжат ижроси

доирасида Оққўрғон туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Туман бўйича 1 минг 293 гектар очик майдонга, 153 гектар боғ ва ток қатор орасига тўқсонбости усулида сабзи, лавлаг, қўкатлар, қарам, гулқарам ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиш режалаштирилган. Айни кунга бу режа қарийб 70 фоизга бажарилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Туманимиздаги фермер хўжаликларидаги экинлардан ошмига узум, мева-сабзавот етиштирилади, дейди Оққўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Саидвали Аҳмедов. – Хўжаликлари-

мизнинг асосий қисми боғдорчиликка ихтисослашган. Семинарда мева-сабзавотчилик соҳасини янада ривожлантириш, ердан унумли фойдаланиш, уни такрорий экинга тайёрлаш, озиклантириш бўйича ҳам маълумот ва тавсиялар берилди.

Тадбир иштирокчилари "Элёр Солижон ўғли", "Эъзога Мумтоза" фермер хўжаликлари далаларида бўлиб, тўқсонбости усулида экин экиш жараёни билан яқиндан танишишди, бу борада тажриба алмашиш имконига эга бўлишди.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.

Хорманг, пахтакорлар!

Пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режани 6 иш кунинда бажарган Бўқа тумани "Мустақил Ўзбекистон" фермерлар уюшмасидаги "Азизов Миржалол" фермер хўжалигида бўлганимизда хўжалик аъзоларининг йил давомида қилган меҳнатлари бесама қарамлигини гувоҳи бўлди.

РЎЗИМУРОД ФЕРМЕР ЯНА МАРРАДА

ЎзЛиДеП вилоят кенгашидан маълум қилишларича, йиллик пахта тайёрлаш режасини туманда биринчи қаторида уйдалаб, туман ҳокими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланган хўжалик аъзолари 27 гектар майдонга пахта экиб, қабул пунктига 67 тонна ўрнига 72 тонна етказиб бериб, шартномавий режани 105 фоизга бажаришди ва жорий йилда ҳосил янада мўл бўлганини амалда исботлашди. Ҳосилдорлик биринчи теримдаёқ, 27 центнерни ташкил қилди.

Жамоаси аъзолари менга ишонч билдириб, астойдил меҳнат қилдилар, – дейди фермер хўжалиги раҳбари, ЎзЛиДеП фаоли Рўзимурод Чориев. – Натияжада пилла, галла ва бугунги кунда эса пахта шартномавий режасини бажардик. Терилган майдонга нисбатан ушбу қўрсаткич ҳисоб-китоб қилинганда ҳосилдорлик 28 центнердан юқори бўлганини кўрсатади. Хали даламизда ҳосил мўл. Эрта баҳордан 30 центнерлик ҳосил яратишни ният қилиб, иш юритдик. Терим бошланганидан олдин пахта даламизни қўрган туман ҳокими: "Бу йил ҳам 40 центнерлик савида бўласиз", деб ишонч билдирган эди. Ишончини оқлаш учун жорий йилда ҳам ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш ҳаракатидамиз.

Хўжалик режасини бажаришда "Ўртагеп" МФЙнинг вақтинчалик иш билан банд бўлмаган аҳолиси ва фермер хўжаликлари аъзоларидан

ибора 1119-отряд теримчилари кунига 12-14 тоннадан пахта териб, хирмонга муносиб улуш қўшдилар. Айниқса, кунига 120-130 килограммдан ошиб пахта тераётган Ҳафиз Ҳасанова, Сарвиноз Бегматова, Муяссар Довулова, Мохичеҳра Чориева, Умурзоқ Муҳаммедов каби теримчиларнинг шижоати мақтовга сазовор.

Хўжаликда 11-мавсумдирки биринчи теримдаёқ, 25 центнердан ошиб ҳосил олинмоқда. Бу эса хўжаликнинг даромади ва рентабеллиги ўсишининг асосий омилдир. Табиат деҳқонни доимо синодан ўтказди, омилкорлик билан иш тутган дағина зиммасидаги мажбуриятни бажаради. Бунинг учун деҳқон ва фермерлар бой тажрибага эга бўлишлари, омилкорлик асосида иш юритишлари зарур. Ушбу хўжаликда ғўза парваришида ҳар бир қарич ернинг эмас, ҳар битта ғўзанинг назорати бор. Ғўза қатор оралирига ишлов беришда қатмон чопиғига алоҳида эътибор қаратилган. Яна ва ғўза чеканкиси тез ва мақбул фурсатда амалга оширилган. Дала айланганимизда бирор туп ҳам бегона ўт топа олмайсиз. Шу боис, ғўза озукани тўла ўзлаштириб, юқори ҳосилга асос яралган.

Энг муҳими, барқарор даромадлар ҳар йили фермер хўжалиги моддий базасини мустаҳкамлаш, хўжалик аъзоларининг турмуш шароитини яхшилаш имконини бермоқда.

КУЗГИ ПИЛЛАНИНГ БАРАКАСИ

Сарлавҳани ўқиб, ҳайрон бўлишингиз турган гап. Чунки, Ўрта Чирчиқ тумани пиллакорлари аллақачон ўз юмушларини бажариб, келгуси йил ҳосили режаларини тузиб қўйганлар. Туманимиз пиллакорлари мавсумни муваффақиятли яқунлаб, баракали "қумуш тола" хирмонларини бунёд этдилар.

Тажриба

Айни вақтда мамлакатимизда плёнка остида ипак курти парваришда тажриба оммалашаётган бўлиб, тажриба тариқасида қўлланилаётган бу усул яхши самара бераётгани кўпчиликка маълум. Тўғри, ҳозирги тўт бархорисининг ўрнини босмайди, албатта. Хориждан келтирилган уруғ парвариши, ўз навбатида, катта масъулиятни талаб этади. Бунга яхши намуна бўлган моҳир пиллакорларимиз озиклантиришдан аввал тўт баргини ювиб, иви-тиб, сўнгга ишлатадилар. Яъни, барг солинганидан сўнг сўндирилган оҳак сепилади. Бу билан баргнинг намлиги ушлаб турилади, энг муҳими тўйимлиги ошади. Республикаимиз микёсида қўлланилаётган бу тажриба

самараси ипакчилик саноатининг ривожланишига қўшилган муносиб ҳисса, десак тўғри бўлади. Қизгин жараёнининг бошида турган Лазоқат Зокирова, Яҳида Ғуломов, Узугуль Ҳотамова, Зубайда Пардаева, Мукамбар Шерматова, Икромхўжа Мухторов ва Зухра Норимова сингари пиллакорларнинг қўли-қўлига тегаётир. Улар ҳар дамни фанга тилиб, бор имкониятлардан самарали фойдаландилар ва ҳар бир кундан 46,5 килограммдан сифатли "қумуш тола" олдилар.

Бу йилги етиштирган ҳосилимиз ўзимизда қолади, яъни Бекбоғдаги "Равнак-Силк" пилла ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузганимиз, яъни шундан билан бунёд этаётган хирмонларимиз баракасида кўнглимиз тўлди, – дейди туман "Пилла" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси раҳбари Маъмуржон Домлақонов. – Пиллакорларимиз кунда ҳам ипак курти парвариши билан шуғулланиб, астойдил меҳнат қилдилар, энди рохатини ҳам ўзлари кўрадилар.

Равшан МИРЗАКУЛОВ олган сурат.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида бўшаб қолган ўринга сайланган депутатни рўйхатга олиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 42, 44, 45, 46-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 2017 йил 8 октябрда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 51-Ўзбекистон Тошкент" сайлов округи депутатлик ўринга сайлов ўтган деб ҳисоблансин.
- Сайлов жараёнида такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги 51-Ўзбекистон Тошкент" округ сайлов комиссиясининг баённомасига асосан қуйидаги номзод Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутат этиб рўйхатга олинсин.

Депутатнинг фамилияси, исми ва шарифи	Туғилган йили	Партия-вийлиги	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили	Қайси сайлов округидан сайланган
Иноғамов Азиз Бахоридович	1974 йил, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Хусусий тадбиркор	Тошкент шаҳри, Юнобод тумани	51-Ўзбекистон Тошкент" сайлов округи

Вилоят сайлов комиссияси раиси **Ғ. МУҲАМЕДОВ**
Нурафшон шаҳри, 2017 йил 8 октябрь

Тадбир

Инсоннинг қомиллик сари ташлаган ҳар бир қадами унинг илмга бўлган интилиши билан бевосита боғлиқ. Ҳаётдаги омад пиллапоёлларини бир-бир босиб юқорилаш учун ҳам ундан айнан билим талаб қилинади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ўғил-қизларга назар солсангиз, улардаги илмга бўлган иштиёқ, гайратни кўриб, ҳавасингиз келади. Бу манзарага гувоҳ бўлганлардан бири ёшликка қайтишни истаса, бошқаси келажакда фарзандини ҳам олий таълим олинган қилишни қўнғилига тугади.

Тошкент Давлат аграр университетида "Ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимликлар" факультети 1-босқич талабаларининг талабалик қасамёди бўлиб ўтди.

– Университетимизда талаба-ёшларнинг билим олиши учун барча шароит яратилган, – дейди факультет ўқитувчиси Шохистон Холова. – Талабалик – олтин давр. Зеро, айнан шу даврда эгалланган билим келгусида ёшларнинг ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши ва давлатга, жамиятга наф қилтириши таъминлайди. Бу каби тадбирлар эса ёшларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, таълимни яхши қайфият билан давом эттиришга имкон яратди.

Бугунги кунда юртимизда таълим соҳасини тубдан

Албатта, ҳар қандай муаммонинг турли жиҳатлари мавжуд бўлиши тайин. Президент ислохотининг моҳияти шундаки, ҳар қандай вазиятдаги фуқаро ўз ортида давлат турганини, жамиятдан айро ҳолда яшамаётганини, иқтисодий ёки маънавий таназул ҳолатида бўлган тақдирда ҳам, ҳали нурли истиқбол олдидан эканини, ҳаётини тўғри ташкил қилишга имконият борлигини тегаранглаб яшамоғи лозим. Кўриб-қузатганимиздек, ҳоким секторида ишчи гуруҳ томонидан иш айнан ана шу масала, гоё негизда ташкил этилмоқда.

Ижроси кучли жамоатчилик назорати асосланган ушбу қарорга кўра, сектор раҳбарлари ҳар чоракда фаолияти юзасидан Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши олдида ҳисобот беради. Ҳозирги кунда туманимизда иш олиб бораётган секторлар раҳбарлари томонидан ҳам халқ депутатлари, қолаверса, ҳар бир гуруҳга бирктирилган жамоатчилик назорати гуруҳлари олдида ноябрь ойининг иккинчи декадасида ўтказилиши режалаштирилаётган сессияда ҳисобот беришга тайёргарлик қўрилмоқда.

Табиийки, секторлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг барчасини ҳам матбуотга олиб чиқиб бўлмайди. Сабаби, аксарият муаммолар оилавий, ўта шахсий мазмунга эга бўлиб, биз бундай мурожаатлар тафсилотида тўхталиб ўтишни лозим топмадик. Фақат, мухтасар равишда, шунга айтиш ўринлики, ишчи гуруҳ томонидан ҳар қандай ҳолатда ҳам адолат тарозиси бузилмаслигига қаттиқ эътибор берилаяпти.

Ҳоким сектори ишчи гуруҳи аъзолари олиб бораган ўрганиш давомида "Эйвалек" МФЙдаги 7-уйнинг юқори қаватларига ичимлик суви анчадан бери чиқмаётгани маълум бўлди. Масала шу жойнинг ўзида, масъуллар иштирокида атрофчида ўрганилиб, зарур чоралар қўрилди.

"Фаллақудук" МФЙ ҳудудида ўтган мулоқот давомида оқова сув хонадонларга тошиб кетаётгани, натижада, уйларга моддий, аҳолига маънавий зарар етказгани ҳақида мурожаат келиб тушди. Маълум бўлишича, сувнинг назоратсиз қолдирилиши, сўғирчи мавсуми ўтгандан кейин юзага келган хўжасизлик натижасида одамлар азият чекапти. Тадбир давомида бу муаммони дарҳол бартараф этиш юзасидан иш бошланди.

Ўрганишлар давомида бандлик, солиқ ҳисобидидаги қалқашликлар, уй-жой масаласи бўйича қўллаб-қўллаб бўлаёпти. Сектор аъзолари ва жамоатчилик назорати бўйича бириктирилган ходимлар бу масалаларни ҳам атрофчида ўрганиб, ижобий ечим топиш, одамларни рози қилиш чорасини кўришмоқда.

Туман ҳокимининг секторидида ҳар кун 100-150 нафар аҳоли билан мулоқот, учрашув ўтказилмоқда. Бунда аниқланган муаммо ва камчиликлар таснифланган, жойида ҳал этишга уруғ қаратилади. Агарда муаммонинг ҳал этилиши даражаси каттароқ микёсида ёндашувни талаб этса, масала тегишинча вилоят, республика ишчи гуруҳи эътиборига ҳавола қилиниб, биргаликда ечим изланади. Муайян вақт, тайёргарлик талаб қилганда масалалар ечим, ташаббуслар ижросига қўмаклашиш мақсадида махсус "Йўл хариталари" ишлаб чиқилади ҳамда мазкур ҳолат токи ижобий ҳал бўлмагунча назоратдан олинмайди.

"Йўл харитаси"нинг моҳияти шуки, аниқланган муаммо ва камчиликлар, бу борадаги ишлар рўйхати, аниқ ижро мuddати, турли вазирлик ва ташкилотлар томонидан ҳамкорликда қилиниши лозим бўлган ишлар йўналиши ҳамда тартиби аниқ белгилана олинади. Асосийси, ижро ҳокимияти муаммоларини бартараф этишда вертикал тарзда мустаҳкам боғланади.

Туман прокурори қарашли сектор штаби тумандаги "Телов" МФЙда жойлашган. Штабга бориш учун транспорт ва сервис касб-хунар коллежи томон юрарканмиз, қатнов йўлининг ачинарли аҳоли эътиборимизни тортди. "Сиз-ку йўлингиз бир оз яхши ҳолатини кўриб турибсиз, шу ердан Ангрен шаҳри томонга юрсангиз борми, "Сусам" МФЙда бундан ачинарли аҳолининг гувоҳи бўласиз...", маҳаллий аҳолининг

ҳафсаласи пир оҳангдаги гапини эшитамиз.

Ушбу фикрлардан мазкур ҳудудда муаммолар талайгина бўлса керак, деган ўй-хаёл билан манзилга етдик. Ҳа, ўзгача бир қайфият билан 2-сектор штабига келганимизда, ажратилган хона дид билан жиҳозланганлиги, сектор фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлардан тортиб, ҳудуд харитаси алоҳида маҳаллалар кесимида деворий стэнд шаклида осиб қўйилганлиги ҳудудни ўрганиш борасидаги ишлар жиддий тарзда олиб боришмоқда, деган таассурот уйғотди. Таассуротларимиз алдамчи бўлиб қичмади.

Туман прокурори секторига "Санам", "Қорабалик", "Шовғоз", "Телов", "Кизилдой", "Янғабод" ва "Қуюн" маҳаллалари бириктирилган бўлиб, мазкур ҳудудда айни пайтда 4 минг 8 та хўжалик мавжуд. Унда истиқомат қилаётган аҳоли 22 минг 479 нафарни ташкил этади.

2-сектор ишчи гуруҳи таркиби 30 нафар мутасаддилардан иборат бўлиб, секторлар фаолияти ташкил этилганига қисқа вақт бўлганига қарамай, улар

БУГУННИНГ ҚАТЪИЙ ТАЛАБИ: ИСЛОҲОТ, ИЖРО, ИНТИЗОМ

кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда, ажратилган ҳудуддаги хонадонларнинг дери қалқашлик бориб, яқиндан танишишга улгурганлигини айтиб ўтиш жоиз. Мазкур ҳудуд туман марказидан бирмунча олис бўлгани сабабли, қўнган бери ҳал бўлмай, йиғилиб қолган муаммолар ҳам айнан шу билан боғлиқ, десак тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтганимиз йўлининг таъмирталабчилиги бир неча йиллардан буюн маҳаллий аҳолининг кўп бора мурожаат этишларига қарамасдан, ҳал бўлмай келмоқда.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ томонидан маҳаллий аҳолининг фикри ўрганилганда, мазкур ҳудудда мактабгача таълим муассасаси умуман йўқлиги, бу эса униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг таълим-тарбиясига жиддий таъсир қўрсатаётгани, 2-сектор ўрганишдаги МФЙлар атрофида 2 та болалар боғчасини қуришга зарурат борлиги маълум бўлган. Шу билан бирга, "Янғабод" ҳамда "Кизилдой" МФЙ ҳудудида болалар спорт иншоотларини қуриш лозим.

Аҳолини қийнаб келаётган долзарб муаммолар қаторида тоза ичимлик суви ва ишсизлик масаласи бор.

Ишчи гуруҳ томонидан ўйма-уй юриб ўрганилган муаммолардан ташқари, сектор штабига ҳозирги кунга қадар 22 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси жойида ижобий ҳал этилган. Ҳудуддаги ногирон фуқаролар ҳолидан хабар олиш бўйича ҳам тегишли тартибда ишлар йўлга қўйилган.

Шунингдек, анчадан буюн ишга жойлаштишга қийналиб юрган, тиббий ёлғизлик таомиланган, "Қорабалик" МФЙда яшовчи опа-сингил Фарида ва Ҳилола Аширбоеваларни туман тиббиёт бирлашмасига ишга жойлаштишга амалий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш борасида ҳам сектор фаолияти натижасида ҳудудда кўзга қўринарли ишлар қилинди. Хусусан, "Телов" МФЙдаги сув қувурлари шахсан прокурор назорати остида янгисига тўлиқ алмаштирилди. Бундан ташқари, "Қуюн" МФЙ ҳудудида электр тармоқлари корхонаси билан ҳамкорликда яроқсиз ҳолга келиб қолган 10 дан ортиқ симёғочлар янгиланди.

– Кўриб турганимиздек, ҳудудимиздаги барча хонадонлар билан танишиб, мавжуд муаммоларни ўрганиб чиқдик. Галдаги вазифамиз эса, ушбу муаммоларни қисқа мuddатларда ижобий ҳал этиш, – дейди биз билан суҳбатда 2-сектор ишчи гуруҳи раҳбари, туман прокурори Дилмурод Қобулов.

Келган йўлимиздан изимизга қайтар эканмиз, ҳайдовчимиз яна ўз дийдиёсини бошлайди: "...Устахонагача эсон-омон етиб олайлик-да, машина ҳам анча "тўкиладиган" бўлади..."

"Хавотир олмаган, Худо хоҳласа, бу йўллардан ҳали елдек учиб ўтаемиз, секторлар фаолияти яқин келажакда ўз мевасини беради". Унга далла бериш учун айтган гапимиз шу бўлди.

Беход ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БЎСТОНЛИКДА ИСТЕЪДОДЛАР ОВОЗИ

Тадбирда ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш келажакда уларнинг Ватан равнақи учун хизмат қилаётган етук инсонлар бўлиб тарбия топишида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Хусусан, бугун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликдан илҳом олиб, қалам тебратаятган истеъдодли ёшлар орасидан эртага забардаст ижодкорлар етишиб чиқиши шубҳасиз.

Мазкур форум иштирокчиларининг ижод намуналариди ёшлик руҳи барқ уриб тургани, мустақиллик, Ватан, тинчлик ва муҳаббат мавзулари устувор экани алоҳида эътирофга лойиқ.

Форум доирасида тажрибали мутахассислар иштирокида насл, назм, таржима, драматургия ва публицистика йўналишлари бўйича

турли ижодий учрашувлар, семинар-тренинг ва ўқув машғулотлари ўтказилди. Ёш ижодкорлар ўзaro фикр алмашиди.

Мулоқотлар давомида истеъдодли ёшларнинг ижод намуналарини чоп этишга қўмаклашиш, насл, назм ва таржима йўналишида илмий-методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, интернет тармоғида ёш ижодкорлар майдонини яратиш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатимиз бўйлаб ёш ижодкорлар иштирокида турли амалий тадбирлар ташкил этиш, танлов ва фестиваллар ўтказишга қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳи қўллаб-қувватланади.

Республика ёш ижодкорлар форуми катнашчиларига ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Зоҳир ТОШХЎҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



лар яратишга доир муҳим масалалар белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида таъкидланди.

Тадбирда талабаларга "Билимлар қалити", рефлекс дафтари ҳамда талабалик гувоҳномаси топширилди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҚОҒУЛОВ
олган сурат.

ҲАР ДАҚИҚА – БИР ЖАСОРАТ

...Ушанда Ахроржонга шошилич ёрдам берилмаганда, балки у бугун орамизда бўлмас эди. Вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам уни ҳаётга, оиласи, фарзандлари бағрига қайтарди. Ҳа, ҳаётда шундай пайтлар бўладики, унда фақат шошилич ёрдам асқотади.

Янгилик

Айтиш керакики, Президентимизнинг "Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўра, Республика Шошилич тиббий ёрдам марказининг вилоят филиали ташкил этилди.

– Бетоблигим сабаб зудлик билан жаррохлик амалиётини ўтказиш керак эди, қолаверса, ҳомиладорман, – дейди бўстонликлик Лола Умрбекова. – Шу ерга юборишди, шукрки, тўғри ташхис қўйилди, мени операция қилишди. Ҳозир ўзимни жуда

яхши ҳис қилаяпман.

Дарҳақиқат, бу тиббий муассаса вилоятимиз аҳолисининг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

– Тизимни такомиллаштириш, шошилич тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, кечиктириб бўлмайдиган тиббий хизматининг самардорлигини таъминлайди, – дейди Республика Шошилич тиббий ёрдам марказининг вилоят филиали директори Тўракул Орзуқулов. – Шу билан бирга, диагностика, даволашнинг янги технология ва



усулларини ўзлаштириш имконини беради.

Республика Шошилич тиббий ёрдам марказининг жорий йилнинг 20 июлидан фаолият юрита бошлаган вилоят филиали 155 ўринга мўлжалланган. Муассасада терапия, тезкор хирургия, травматология ва неврохирургия, диагностика, реанимация-анестезиология, шунингдек, стерилизация ҳамда лаборато-

рия бўлимлари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

– 2018 йилда муассаса тўлиқ реконструкция қилинади, – дейди Тўракул Орзуқулов. – Қолаверса, асбоб-ускуналарни янгилаш, эскиларини замонавийларига алмаштириш ҳам режага киритилган.

Ирода НОРОБЕОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Янги китоблар

"Мени севиб қолсайдинг", "Олавер, ҳаётим сенники", "Қуёндан-қуёни", "Яхшиям сен бор", "Жонинг соғ бўлсин". Бу сарлавҳаларни ўқиб, ҳаёлинигиздан нималар кечиди-кин? Балки, машҳур хонандаларимизнинг шундай сатрлар билан айтадиган ёқимли хонишлари ёдингизга тушгандир ёки уларнинг ҳушхонлиги қалб-бингизни чертиб ўтдики?

«ҚИЗИМ СИЗГА ЎХШАСИН!»

Тўғри, бу ўша сиз севиб тинглайдиган қўшиқлар матнининг сарлавҳалари, айна пайтда шеърый тўпламлар номи. Истеъдодли ижодкор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими адабий маслаҳатчиси Ботирхон Эргашев қаламга мансуб шеърый тўпламларнинг энг янғиси "Жонинг соғ бўлсин", дея номланган. Тўплам ҳақидаги фикрларимизни эса, анъанага мувофиқ, унинг сўзбошидан олинган икки-бос билан бошламиз. Эро, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоирнинг самимий эътирофидан орттириб бир нима дейиш кийин.

– Унинг шеърлари ўз оҳанги билан яралади, – деб ёзади устоз. – Бугун муҳлисларнинг ҳам тилида, ҳам дилида жаранглаётган озолаб қўшиқлар, аввал Ботирхоннинг қалбидан бодом гулларидек бодраб шеър бўлган. Кейин қўшиққа айланган.

Дарҳақиқат, одамийлик оҳанглари янграб турган, шоир дарди сачраб турган ҳар бир шеърни ўқир экансиз, унга монанд ажиб мусиқа, ёқимли, ширали овозлар қўлоқларингизга чалингандай энтикиб қўясиз.

Дўстлар, ҳўп айтдим қўшиқ, Ишқ деган олам учун. Келинлар, энди ҳўшиб, Қўйлайин онам учун.

Ўки:
Жонга тегди зардаси,
Ўзида ноз лардаси,
Бу гўзалнинг қўп экан
Вафоси йўқ ваъдаси...

Тўлди сабрим қосаси,
Шу ишқим ҳулосаси:
Гулдай ҳўсни бор ёрнинг
Йўқ экан мурасиси...

Бу сатрларни беҳиз келтирмадик. Чунки, бу шеърларнинг оҳанги ўзи билан турилгандек. Эътибор беринг-а. Баъзан қўшиқни басталаган бастакорнинг, шеър муаллифининг номи эълон қилинмайди. Лекин, шоирнинг шеърларини ўқиганда, ўша ижрочи, ўша оҳанг шуурингизда жилва қилмоғи аниқ.

Назаримизда, Ботирхон Эргашевнинг шеърый тўпламлари шеърят шайдоларини, муҳлисларини бефарқ қолдирмайди. "Жонинг соғ бўлсин"ни ўқинг, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЧИРЧИҚДАН ЧИҚҚАН ЧЕМПИОНЛАР

Қозғистоннинг Актау шаҳрида бокс бўйича ўтказилган юқори нуфузли халқаро турнирда Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчилари Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятига улкан ҳисса қўшди.

Осиё ва Европанинг ўндан зиёд мамлакатидан келган боксчилар орасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва китъа чемпионатлари голиб ва совриндорларининг кўпчилиги беллашуларнинг кескин ва мурасасиз ўтишини таъминлади.

Бокс



75 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчиси Исроил Мадримов озарбайжонлик Исмомил Хусайнли, россиялик Ризов Эликхон ва қозғистонлик Алмаз Тлеубергенов устидан галаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Мусобақа давомида кучли техника, мустаҳкам ҳимия ва тезкор зарба-

ларга асосланган ажайиб жанг услубини намойиш қилган Исроил "Турнирнинг энг яхши боксчиси", деб топилди.

– Турнирда кучли боксчиларнинг кўпчилиги учун галаба қозониш ҳеч кимга осон бўлмаган йўқ, – дейди Осиё чемпиони Исроил Мадримов. – Бугун ўзбек бокс мактаби дунёда энг кучлилардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шундай экан, биз ҳам ҳар бир

мусобақада ана шу даражага мос натижаларни кўрсатишимиз керак. Эро, Ватан шаъни ҳар нарсадан устун. Қолаверса, бизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган халқимиз ишончини оқлаш фарзандлик бурчимиздир.

Шунингдек, халқаро турнирда Элнур Абдураимов, Баҳодир Жалолов ва Махмуд Ғолипов ҳам ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Терма жамоаси аъзоларидан Отабек Холматов ва Мадийр Саидрахимов кумуш, Мироншоҳ Иброҳимов, Муроджон Аҳмадалиев, Санжар Турсунов эса бронза медалга эгалик қилди.

Заҳир ТОШХЎҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Реклама ва эълонлар

ИШГА МАРҲАМАТ! «DINARA TOUR SERVICE»

сайёҳлик фирмаси
сотув агентларини
ишга таклиф этади.

Мурожаат учун телефон:
(+99899) 606-79-72.

"Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи" Давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бокшармаси бўйруғига биноан, 2017 йил 15 октябрдан ўз фаолиятини тугатаётганлигини маълум қилади.

Чоршанба – ёнғинлар профилактикаси куни

101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Вилоятимиз ҳудудида 2-8 октябрь кунларида содир бўлган ёнғинлардан 12 таси аҳоли уйларига тўғри келди. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 6 таси электр симларининг қисқа туташуви, 4 таси болалар шўхлиги, 9 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ҳолатида содир бўлганлиги аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнғинлар профилактикаси куни", деб белгиланган муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва тақилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушу-

тириш ишлари янада кенг қўлламда ўтказилмоқда.

Хурматли фуқаролар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Эро, ҳозир тиржамалигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.

Бекатда юрай деб турган автобусга югуриб етиб олдим. Тез юрганимдан юрагим чиқиб кетгудек қаттиқ урапти. Аксига олиб, бирорта бўш жой йўқ.

– Синглим, келинг ўтиринг, – мендан икки-уч ёш катта аёл аҳолимини тушунди шекилли, ўрнидан турди.

– Сиз ўтираверинг, – дея, аёлнинг ёнидаги йигит дик этиб ўрнидан турди.

Мен раҳмат айтиб, унинг ўрнига ўтирдим. Лекин, бир бекат аранг чиқадим, мазам қочди. Вужудимни тер босиб, қўз олдим қоронғулашди...

– Тобингиз қочди шекилли, – аёл сумкасидан елпигич олиб, мени елпиди. – Ўринг тушамиз, сизга ҳаво етишмаяпти, – деди аёл ва розилигини ҳам сўрамай, қўлимдан олди. – Мана ҳозир тўхтади.

Автобус тўхташи билан пастга тушдик. У мени суяб, ўриндиққа ўтказди. Кейин сумкасини очиб, сув ва елим пиёла олди. Пиёлани тўлдириб сув қўйиб узатди.

– Ичинг, ўзингизга келасиз.

Мен чурқ этмасдан сувни ичдим. Танамда энгиллик сездим, "раҳмат", дедим жимлайишга ҳаракат қилиб.

– Хайрият, юзингизга қон югурди. Эрталаб нонушта қилмаганингизми? – деди у менга синовчан тикилиб.

– Болаларни ўқишга жўнатай, деб ошқидим. Сал кечроқ ўйғонибманда. Уэр опа, сизни ҳам йўлдан қўйдим, – дедим хижолат бўлиб.

– Яхшиям, ёнимизда сиздай яхши одамлар бор. Агар автобусда сиз бўлганингизда ҳолим нима кечарди. Яна билгандай ёнингизда сув ҳам бор экан. Ўзи у оддий сувмиди, таъми бошқачароқ экан? Ичиним билан танамга қувват югурди. Опа, ростдан ҳам сизни менга Худо юборди. Сиз фаришта – нажот фариштасисиз.

– Унақа деманг синглим, мен ҳам худди сиздек оддий аёлман. Одамларга эътиборли бўлишга эса бир воқеа сабаб бўлган, – синикқина жимлайди у.

– Қандай воқеа? – қизикдим мен.

– Лекин, уни тинглашга вақтингиз бўлармикин, – иккиланди аёл.

– Вақтим бор опажон, жон қулоғим билан эшитаман, фақат ана бир пиёла сувингиздан беринг.

– Майли, мен ҳам дугонаникига кетаётгандим, шошайтган жойим йўқ, – деди аёл қўзларини бир зум юмиб. Гапни нимадан бошлашни ўйлаб олди шекилли, аста ҳикоясини бошлади.

– Икки йил аввал мен Ҳаж сафарига боришга мушарраф бўлдим. Соғлигим жойида бўлгани учун барча амалларни иложи боришга мукамал бажаришга ҳаракат қилдим. Билмаганларимни ёнимдаги ватандош аёллардан сўраб, ўргандим. Лекин, Ҳаж амалларини бажариш анча куч-қувват талаб

қилар экан. Бунинг устига Маккаи Мукарраманинг об-ҳавоси анча жазирама. Одам жуда тез чанқайди. Навбатдаги ибодатдан кейин зам-зам булогидан идишларимизга сув тўлдириб олишга ижозат беришди. Тўғриси, мен кўп йўл юрганимиздани ёки куннинг иссиғиданини жуда лоҳас бўлдим. Бориб сув олишга мадорим етмади. Секин-секин тепаликдан тушиб, пастда ҳамроҳларимни кутдим.

Уларни кўтиб турибману, қўз олдимдан ўзимизнинг "Хумсон" сихатгоҳи, унинг шундоққина биқинини шарқираб оқиб ўтган

ни худди биров тортиб оладигандек бағрига босиб олган аёл. – Оллоҳ меҳрибон.

– Э, раҳмдил Эгам, ўзинг мадад бер, тезроқ манзилимга етиб олай. Мен ожиз бандангиз Ўзингдан ўзига муҳтож қилма, – дея илтижо қилдим қўққа қараб. – Ўзингга етдим, деганимда мени йикитма.

Шу чоқ бир қора машина ёнимиздан ўтиб, сал нарида тўхтади. Ичидан бир аёл тушди. У биз томонга бир оз қараб турди-да, нигоҳини менда тўхтади. Илмал чакирди. Бошим айланиб, жойим-

мас, пулим бор, етади, ўзимга тўқман, раҳмат хоним", дедим.

– Олинг, бу эҳсон, – деди таржимон. – Қўлини қайтарсангиз, хафа бўлади. Бу зотингиз сиз ўзбекларга хурмати рамзи.

– Майли, хафа бўлма-синлар, – мен шундай деб пуллар орасидан иккитасини олдим.

– Хоним, – деди таржимон, – бетоб экансиз. Биз сизни меҳмонхонага олиб бориб қўямиз.

Улар мени хонамга қузатиб қўйишди. Яна иккита беш литрлик идишда зам-зам сувини ҳам қолдиришди.

– Сизларни мен Оллоҳ юборган нажот фаришталари деб билдим, – деди секин таржимон йигитга. – Сизларга Ўзининг раҳмати бўлсин. Мумкин бўлса, ўзингизни таништирсангиз. Мен кимни дуо қилишни билай.

Таржимон гапимни аёлга тушунтирди.

– Савоб ишининг сирли бўлгани яхши. Ҳадиси шарифда айтилган-ку, ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, – деб жимлайди аёл. – Сиз Оллоҳга шукроналар айтинг, бандасига эса инсоф ва меҳр тиланг. Ўзи меҳрибон, У бандасини ёлғизлатиб қўймайди, – улар мен билан хайрлашди.

Мен бир пиёла сувни қизганган ҳожи хонимларнинг бирортасига бу ҳақда чурқ этиб, оғиз очмадим. Ҳаж сафаридан қайтганимдан буён атрофимдагиларга, қўмакка муҳтож кишиларга имкон қадар ёрдам берадиган бўлдим. Уйимизда учта машина бор. Ўзимнинг ҳам ҳайдовчилик гувоҳномам бор, лекин машина ҳайдамайман. Одамлар орасида бўлишни хоҳлайман. Кимгадир икки оғиз сўзим билан бўлса ҳам баҳоли қудрат ёрдамчи тегсин, дейман. Гоҳида сизга ўхшаб толиққан кишиларга дуч келаман. Ёнимда, албатта, зам-зам суви солиingan идиш юрди. Биласизми, бир литр сувга ярим пиёла муқаддас сувдан қўшсангиз, унда зам-зам булогининг қуввати қайта тикланар экан. Чанкаган кишининг чанқоғини қондириш Ҳаж амалини тўлиқ бажарганининг савобига тенг экан. Бу менинг муқаддас эйбатдан англаган энг муҳим сабоғим, – деди аёл жимлайиб. – Энди мен борай, сизни таксига ўтқазиб юбораман.

– Йўқ, раҳмат, мен ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман. Роза бўлсангиз, сиз билан опа-сингил тутинсам. Илтимос, телефон рақамингизни беринг, – дедим.

– Кейинги сафар, биз сиз билан хали қўп учрашамиз, – деди опа бекатга қелиб тўхтаган автобусга чиқар экан.

Автобус юриб кетди. Мен эса орамизда Ҳафиза опага ўхшаган яхшилар борлиги учун Яратганга шукрона айтиб, йўлга тушарканман, қўз олдимда биллурдек товланиб турган зам-зам булогини намоён бўлди...

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

ХАТАРСИЗ ҲАЁТ САРИ

Электр асбобларининг ортиқча қизиқ кетиш ҳоллари ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади. Хонадонларда электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситалар улаш жуда хавфли. Бу усулни қўлламаслик керак.

Одатда тандирхона ва ошхона бинолари хавфсиз, очик жойда қурилгани маъқул. Уй томларида ҳар хил ёнғичи бўйлар, иккиламчи уй-рўйғор жиҳозларини сақ-

лаб бўлмайди. Табиий газни резина шланглар орқали улаш, газни ёқиб қолдириш ярамайди.

Оловга нисбатан жиддий муносабатда бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидалари, меъёр талабларига тўла ва аниқ амал қилсак, ҳеч қачон хавф-хатарга йўлқимамиз.

Х. ЙЎЛДОШЕВ,
Зангиота тумани ЁХБ бошлигининг қадрлар бўйича ёрдамчиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маълумоти: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaiqat@utmail.uz	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.	Навбатчи муҳаррир Ҳолмурод САЛИМОВ Назоратчи мусаввиф Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
--	--	---	--	--	---